



**Ўзбекистон Республикаси номидан
ҲАЛ ҚИЛУВ ҚАРОРИ**

2022 йил 10 июнь

Сирдарё тумани

4-1202-2202/771-сонли иш

Сирдарё туманлараро иқтисодий судининг судьяси Н.Сангиров раислигида, судья ёрдамчиси Ф.Сахобиддинов котиблигида, аризачи Анинг, жавобгар Жнинг банкдаги ҳисобварақлар бўйича операцияларни ўн кундан кўп муддатга тўхтатиб туриш тўғрисидаги аризаси ва унга илова қилинган ҳужжатларни аризачи ишончли вакили Ш. (12.05.2022 йилдаги № 01-01834-сонли ишончнома асосида) иштирокида Сайхунобод тумани Навоий кўчаси 69-уйда жойлашган Сайхунобод туман Давлат солиқ инспекцияси биносида ўтказилган очик сайёр суд муҳокамасида кўриб чиқиб, қуйидагиларни

А Н И Қ Л А Д И :

А (кейинги ўринларда “аризачи” деб аталади) судга ариза билан мурожаат қилиб, Ж (кейинги ўринларда “жавобгар” деб аталади)нинг банкдаги ҳисобварақлар бўйича операцияларни ўн кундан кўп муддатга тўхтатиб туришни сўраган.

Ишни кўриш вақти ва жойи ҳақида тегишли тартибда хабардор қилинган жавобгар суд мажлисига келмади ва вакили иштирокини таъминламади.

Бундай ҳолатда суд, Ўзбекистон Республикасининг Иқтисодий процессуал кодекси (кейинги ўринларда “ИПК” деб аталади) 220-моддаси талабларига мувофиқ ишдаги мавжуд ҳужжатлар низони мазмунан тўғри ҳал қилиш учун етарли деб ҳисоблаб, ишни жавобгар (вакили) иштирокисиз кўришни лозим топади.

Суд мажлисида иштирок этган аризачи ишончли вакили жавобгар томонидан ҳисобот топширилмаганлигини маълум қилиб, аризани қаноатлантиришни сўради.

Суд, аризачи вакили тушунтиришларини тинглаб, тақдим этилган иш ҳужжатларини ўрганиб чиқиб, қуйидаги асосларга кўра аризачининг аризасини қаноатлантиришни лозим топади.

Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодекси (кейинги ўринларда “СК” деб аталади) 111-моддаси учинчи қисмига кўра, юридик шахслар ва яқка тартибдаги тадбиркорларнинг банкдаги ҳисобварақлари бўйича операцияларни тўхтатиб туриш солиқ органи томонидан мазкур солиқ тўловчиларнинг (солиқ агентларининг) солиқ мажбуриятлари бажарилишини таъминлаш учун қуйидаги ҳолларда қўлланилиши мумкин: ушбу солиқ тўловчи (солиқ агенти) томонидан солиқ органига молиявий ва (ёки) солиқ ҳисоботи бундай ҳисоботни тақдим этишнинг белгиланган муддати тугаганидан кейин ўн кун ичида тақдим



этилмаганда; солиқ тўловчи (солиқ агенти) томонидан солиқ органининг камерал солиқ текшируви натижалари бўйича талабномасига тушунтиришлар ва (ёки) тузатишлар белгиланган муддатда тақдим этилмаганда, шунингдек солиқ тўловчи томонидан солиқ органи талаб қилган ҳужжатлар тақдим этилмаганда; солиқ текширувини ўтказётган солиқ органларининг мансабдор шахсларини кўрсатилган ҳудудга ёки бинога (бундан турар жойлар мустасно) киришига тўсқинлик қилганда; солиқ тўловчининг (солиқ агентининг) ўзи кўрсатган манзилда йўқлигида.

Мазкур модданинг биринчи қисмига кўра, солиқ тўловчининг (солиқ агентининг) банкдаги ҳисобварақлари бўйича операцияларни тўхтатиб туриш тўғрисидаги қарор солиқ органининг раҳбари (раҳбар ўринбосари) томонидан ўн кундан кўп бўлмаган муддатга қабул қилиниши мумкин. Солиқ тўловчининг (солиқ агентининг) банкдаги ҳисобварақлари бўйича операцияларни ўн кундан кўп муддатга тўхтатиб туриш тўғрисидаги қарор солиқ органининг аризасига асосан суд томонидан қабул қилиниши мумкин. Бунда солиқ тўловчининг (солиқ агентининг) банк ҳисобварақлари бўйича операциялари суд томонидан қарор қабул қилингунга қадар тўхтатиб турилади.

ИПКнинг 217-моддасига кўра, суд банклардаги ҳисобварақлар бўйича операцияларни тўхтатиб қўйиш билан боғлиқ ҳуқуқий таъсир чораларини қўллаш ваколатига эга.

Иш ҳужжатларига кўра, жавобгар томонидан 2022 йил март ойи учун айланмадан олинадиган солиқ бўйича солиқ ҳисоботини 2022 йил 23 май кунига қадар тақдим этмаганлиги аниқланган.

Аризачи томонидан жавобгарнинг шахсий кабинетига 2022 йил 25 апрель куни юборилган хабарномаси жавобгар томонидан оқибатсиз қолдирилган.

Ушбу ҳолатлар жавобгарга юборилган хабарнома ва бошқа ҳужжатлар билан ўз тасдиғини топади

Шунингдек, аризачининг 2022 йил 06 майдаги қарори билан жавобгарнинг ҳисоб рақамлари ўн кундан кўп бўлмаган муддатга тўхтатиб турилган.

Шундай бўлсада, жавобгар солиқ ҳисоботини тақдим этиш чораларини кўрмаган.

СКнинг 82-моддасига асосан солиқ ҳисоботи солиқ тўловчи ҳисобга олинган жойдаги солиқ органига белгиланган шаклда қоғоз ёки электрон шаклда ушбу Кодексга мувофиқ солиқ ҳисоботига илова қилиниши лозим бўлган ҳужжатлар билан бирга тақдим этилади. Солиқ тўловчи ушбу Кодексга мувофиқ солиқ ҳисоботига илова қилиниши лозим бўлган ҳужжатларни электрон шаклда тақдим этишга ҳақли. Юридик шахс бўлган солиқ тўловчилар ва яқка тартибдаги тадбиркорлар солиқ ҳисоботини ўзи ҳисобга олинган жойдаги солиқ органига белгиланган шакллар бўйича электрон ҳужжат тарзида тақдим этади.

Мазкур ҳолда суд аризада келтирилган важлар ўз тасдиғини топганлиги ҳолатидан келиб чиқиб, аризада келтирилган талабни асосли деб ҳисоблаб, жавобгарнинг банклардаги ҳисобварақлари бўйича операцияларни тўхтатиб туриш тўғрисидаги аризасини қаноатлантиришни лозим деб топди.

ИПК 222-моддаси учинчи қисмининг 4-бандига биноан ҳуқуқий таъсир асини қўллаш тўғрисидаги арз қилинган талаб қаноатлантирилган тақдирда, қисодий суд ҳал қилув қарорининг хулоса қисмида банклардаги



ҳисобварақлар бўйича операциялар қандай шартлар бажарилгунига қадар тўхтатиб қўйилганлиги кўрсатилиши керак.

Шу билан бирга суд, давлат божи ва почта харажати масаласини муҳокама қилиб, Ўзбекистон Республикасининг Иқтисодий процессуал кодекси 118-моддасига мувофиқ, почта харажатини жавобгар зиммасига юклашни, “Давлат божи тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикасининг Қонуни 9-моддаси биринчи қисмининг 19-бандига кўра, аризачи ва жавобгар - ҳуқуқий таъсир чораларини қўллаш тўғрисидаги ишлар бўйича давлат божи тўловидан озод этилганлигини инобатга олиб, давлат божини ундирувсиз қолдиришни лозим топади.

Юқоридагиларга асосан, Ўзбекистон Республикасининг Иқтисодий процессуал кодекси 118, 176-179, 217, 220, 222-моддаларини қўллаб, суд

Қ А Р О Р Қ И Л Д И:

Анинг аризаси қаноатлантирилсин.

Жнинг тижорат банкларидаги барча ҳисобварақларининг кириш қисми ва бюджет тўловлари ҳамда иш ҳақидан ташқари, харажат қисми бўйича операциялари ўн кундан кўп муддатга тўхтатиб турилсин.

Ж томонидан ҳуқуқбузарлик ҳолати бартараф этилгандан сўнг, унга хизмат кўрсатувчи тижорат банки ва А зиммасига жавобгарнинг банкдаги ҳисобварақларини очиб бериш мажбурияти юклатилсин.

Давлат божи ундирувсиз қолдирилсин.

Ҳал қилув қароридан норози тараф ўн кун ичида шу суд орқали Сирдарё вилояти судига апелляция тартибида шикоят қилиши (прокурор протест келтириши) мумкин.

Судья

Н.Сангиров

